БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 190 (19.861). • 1987 йил 19 август, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Бугунги сонда:

● Улуғ Октябрь байрамига меҳнат совғалари

● Эл соғлиги — юрт бойлиги

● Орол денгизини сақлаб қолиш — умумхалқ иши

● Биринчи сентябрь яқин

ПАРТИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

ЭКОНОМИКАНИ БОШҚАРИШНИ ТУБДАН ҚАЙТА ҚУРИШ — ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми «КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми қарорлари асосида экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришни таъминлаш соҳасида республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама этди. Шу масала юзасидан қилинган докладда КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми партия ва халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутиши ва у яхлит қайта қуриш концепцияси ғоясини тайёрлашни ниҳоясига етказганлиги қайд этилди. Пленумда мамлакатимизнинг ҳамма жойларида бўлгани каби Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари партиямизнинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, экономикани бошқаришни тубдан қайта қуриш, жамият турмуши ҳамма жиҳатларини демократлаштириш йўлини яқдиллик билан маъқуллаётганликлари таъкидланди.

Республика партия ташкилоти салбий ҳодисалар оқибатини бутунлай тугатиб, турмушнинг ҳамма соҳаларини соғломлаштириш учун кураштан иборат ғоят мураккаб ишда КПСС Марказий Комитети, Иттифоқ ҳукумати эътибори ва мададини муттасил сезиб турибди. Ҳамма масалаларда ҳар томонлама чиниқкан интернационал ёрдам берилмоқда.

Ана шулар туфайли ҳамда республикамизда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар натижасида баъзи бир ижобий силжишлар рўй бера бошлади. Чунончи, ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига, халқ хўжалиги бир қанча тармоқларида ўсиш суръатларининг ортишига эришилди. Саноат маҳсулоти ўсишининг йиллик ўртача суръати 1983—1984 йиллардаги 3,5 ўрнига сўнгги икки йилда 6,5 процентни ташкил этди, меҳнат унумдорлигининг ўсиши шунга мувофиқ 0,3 процентдан 4 процентга етди.

Агросаноат комплексида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш барқарор ўсиб бормоқда. Социал соҳада бирмунча силжишларга эришилди. Аҳолига гўшт, сут, тухум кўпроқ сотиладиган бўлиб қолди. Газмол, пойабзал, бошқа товарлар билан таъминланиш бирмунча яхшиланди, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ўсиш суръатлари ортди.

Шу билан бирга, мазкур ҳамма ўзгаришлар ҳали узил-кесил туса эмаслиги, улар республика тараққиётидаги асосий бурилиш тенденцияларини белгилай олмаётганлиги пленумда очиқ айтилди. Республикадаги дастлабки силжишлар қаерда, қандай қилиб ва нималар ҳисобига бўлганлигини, кўп соҳалардаги турғунлик сабаблари нимада эканлигини КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми йўл-йўриқлари ва янги иқтисодий ислоҳот талаблари асосида кўриб чиқиш пленумнинг диққат марказида бўлди. Бунда пленум қатнашчилари ленинча традицияга амал қилдилар. Зотан В. И. Ленин экономика—бу партиямиз ва Совет давлати учун асосий снёсат, совет жамиятининг мудом олга боришни ва Совет Иттифоқи халқаро позицияларининг мустаҳкамланишини ана шу снёсат муваффақиятларига ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканлигини таъкидлаган эди.

Пленумда қилинган таҳлил республикада вужудга келтирилган иқтисодий потенциалдан ҳали ҳам жуда қониқарсиз фойдаланилаётир, эришилган натижалар мавжуд имкониятлар даражасида эмас, деган хулосага олиб келди. Миллий дўрмадни ўстириш суръатлари паст, фонд самарадорлиги камаймоқда, экономикани ривожлантиришнинг ҳаражатлар принципи бартараф этилмаган. Социал соҳада ҳамон сусткашлик ҳукм сурмоқда. Чакана товар оборoти ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планлари бажарилмаётир. Молиявий аҳвол ғоят кескин, халқ хўжалигида муддати кечиктирилган қарзлар кўпайган.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети мавжуд иқтисодий-табиий потенциалдан қониқарсиз фойдаланмоқда. Бошқарувнинг иқтисодий методлари қатъият билан ўзлаштирилмаяпти, маъмуриятчиликка берилиш, хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига аралашавериш одатларидан воз кечиш қийин бўляпти.

Республика партия ташкилотлари қайта қуриш, жамиятни демократлаштириш ва ўзгараётган хўжалик механизми вазифаларига тўла мос бўлган иқтимоий жараёнларни ривожлантиришга, раҳбарлик қилишнинг самарали форма ва методларини қидириб топишга ғайрат билан киришмаётирлар. Бу эса, пленумда таъкидланганидек, сусткашликка, волюнтаризмга, муҳим халқ хўжалик планлари бажарилмай қолишига, анчагина раҳбарларнинг социал соҳага эътибор бермаслигига кўп даражада сабаб бўлаётир.

Расмиятчилик, ташаббуссизлик ва қолоқ фикрлаш, партия ташкилотларининг иқтисодий методлари қатъият билан ўзлаштирилмаяпти, маъмуриятчиликка берилиш, хўжаликларнинг майда-чуйда ишларига аралашавериш одатларидан воз кечиш қийин бўляпти. Ваҳолонки, улар камчиликларга қарши курашда таниқдин тўғри йўналтиришга, ташаббускорликни, демократиялашган раҳбарликни ҳамиша қўллаб-қувватлашга, ишнинг буйруқбозлик ва тазйиқ ўтказиш услубини улоқтириб ташлашга бурчлидирлар.

Бир қанча область ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар, кўпгина корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишга қодирликларини амалда тасдиқланмаётганликлари ғоятда афсусланарли ҳолдир.

Муҳокама қилинган масала бўйича қабул қилинган қарорда пленум КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини бутунлай ва тўла-тўкис маъқуллади ҳамда республикада экономикани бошқаришни тубдан қайта қуришни таъминлаш юзасидан партия ташкилотлари, совет органлари, давлат муассасалари, илмий тадқиқот коллективларига конкрет топшириқлар берди.

Пленум йўл-йўриқлари ва топшириқларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш учун жадаллаштириш ва қайта қуриш вазифалари қатъиян талаб этаётганидек, барча даража ва лавозимдаги коммунистлар, раҳбарлар, айниқса республика иқтисодий органлари, министрликлар ва идоралар, бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар коммунистлари, раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан конкрет чоралар кўриш зарур.

Экономиканинг асосий бўғини, ҳал қилувчи таянчи—бу корхонадир. Шу боисдан ҳам корхона учун қулай иқтисодий муҳит яратиш, унга кенг ҳуқуқлар бериш, уни мустаҳкамлаш, корхоналар мустақиллиги ҳақиқий бўлишини таъминлаш даркор. Хўжаликни бошқаришнинг барча юқори бўғинлари ўз фаолиятларини шу нуқтаи назардан қайта қуришлари зарур.

Ишлаб чиқаришни активлаштириш учун иқтисодий мусобақани самарали йўлга қўйиш, корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги, шу жумладан аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжларини энг яхши қондириш учун давлат ва кооператив корхоналари ўртасидаги ҳақиқий беллашувни кучайтириш лозим. Бундай мусобақада ғолиб чиққанлар сезиларли иқтисодий фойда оладиган бўлишлари керак.

Эндиликда тўла хўжалик ҳисоби ва ўзинийўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаётган корхоналар орттирган ижобий тажрибани ғайрат билан барча корхоналарга ёйиш вақти келди. Айни вақтда турғунлик ва ташаббуссизлик, лоқайдлик, пассивлик ва тайёрга айёрлик кўринишларига қарши муросасиз курашиш ҳар бир совет кишисининг ички эҳтиёжига, фазилатига айланиши даркор.

Иқтисодий методларга асосланган бошқариш системасини жадаллаштириш, қайта қуриш мақсадларига тўла хизмат қилдириш одамлардаги иқтисодий билимсизликка барҳам бериши тақозо этади. Бунинг учун кўпгина раҳбарлар ва мутахассислар ишчилар ва колхозчилар ўқувига замонавий формаларни пухта жорий этиш, унинг мазмунини экономиканинг конкрет масалалари билан бойитиш талаб этилади. Бу иш янги шароитларда хўжалик юритишни тезроқ ўрганиб олишга, тезроқ тажриба орттиришга ва уни умумхалқ мулкига айлантиришга кўмаклашади.

Пленум янги иқтисодий қурилишнинг муҳим воситаси бўлишга даъват этилган оммавий ахборот ва пропаганда воситалари олдига илғор тажрибани, янги ёндашувлар ва ечимларнинг самарадорлигини конкрет мисолларда кўрсатиб бериш, тафаккурдаги сусткашликка қарши, ташаббусларни бўғаётган эскиликка, қолоқликка қарши курашиш вазифасини қўйди. Бунинг учун республика журналистлар корпусидан ўз ишларини илдам қайта қуриш, ҳаракатларда ҳужжатбозлик, ишчанлик, оперативлик, конкретлилик, экономика проблемаларига янгича танқидий назар, билимдонлик талаб қилинади.

Пленум партия ташкилотларини XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тайёргарлики кенг авж олдиришга йўллади. Бу борадаги барча ташкилий ва снёсий ишлар ҳар бир бошланғич партия ташкилоти, меҳнат коллективи, коммунист учун қайта қуришга қодирлик ва қайта қуришга интилишнинг конкрет имтиҳон бўлади.

Пленум партия ташкилотлари ва комитетларни раҳбарликнинг снёсий методларини қарор топтириш йўлига оғишмай амал қилишларини, иқтимоий ҳаётда содир бўлаётган жараёнларни доимо диққат марказида тутишларини, ишнинг аҳволига объектив баҳо беришлари ва кадрларни янгича ишлашга ўргатишларини шарт қилиб қўйди.

Экономиканн ривожлантириш борасида бошлаб юборилган улкан, революцион ишларда фаоллик кўрсатиб, барча жабҳаларда шу йилнинг, умуман беш йиллиқнинг топшириқларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясини муносиб кутиб олиш республикамиз меҳнаткашларининг юксак ватанпарварлик, интернационал бурчидир.

ХУШ КЕЛИБСИЗ, МУСОБАҚАДОШЛАР!

Пахтакор республикаларнинг анъанавий социалистик мусобақаси — Советлар мамлакати халқлари қардошларча дўстлигининг, КПСС ленинча миллий снёсати тантанасининг ёрқин тимсолидир. Ўзаро текшириш бригадаларининг мунтазам борди-келдилари бир-бирларимизнинг ишимизни таҳлил этиш, дўстларимизнинг илғор тажрибасидан баҳраманд бўлиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, агросаноат комплекси тармоқларини жадал ривожланишини таъминлашга имкон беради.

Республикамизда Озарбайжон ССР ва Туркманистон ССРдан келган ўзаро текшириш бригадалари иш бошладилар. Озарбайжонлик қардошлар Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент областлари дала меҳнатчилари қабул қилган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши билан танишадилар. Туркманистонлик дўстларимиз эса Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм областлари деҳқонларининг ишларини текширадилар.

Республикамиз агросаноат комплекси меҳнаткашлари мусобақадош дўстларини дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилиш билан кутиб олмоқдалар. Ўзаро текшириш бригадаларининг ўртоқларча ёрдами Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига қабул қилинган план ва социалистик мажбуриятларни бажаришга етадиган даражада ҳосил тўплашга имкон бериши шубҳасиз.

1988 йил ҳисобига

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати биринчи металлургия цехининг олти бригадаси социалистик мажбуриятини бажарди. Улар беш йилликнинг икки йили планини муддатидан илгари адо этдилар. Бу коллективларга А. Машкова, В. Назимов, М. Мейер, Х. Валиева, М. Адасилушкинлар бошчилик қилмоқда.

Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада корхонанинг юзлаб меҳнатчилари қатнашмоқда. М. Горохов бошлиқ қиздирувчилар бригадаси ҳаммага намуна бўлмоқда. Бу бригада 1988 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

(ЎзТАГ).

МАВСУМГА ШАЙ

Ғиждувон пахта тозалаш заводида «оқ олтин» ҳосилини қайта ишлаш мавсумига тайёргарлик тугалланди. Қуритиш, тозалаш, саралаш цехлари реконструкция қилинди, юқори унумли янги машина-ускуналар ўрнатилди. Пахтани сақлаш учун янги майдончалар ҳам барпо этилди.

(ЎзТАГ).

Олимларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Фанлар академиялари президентларининг 18 август куни Тошкентда бўлиб ўтган регионал учрашуви академия фанлари, олий мактаб ва тармоқ фанларини интеграциялаш масалаларига бағишланди.

Учрашув қатнашчилари—Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон Фанлар академиялари президиумларининг аъзолари, академияларнинг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари, илмий-тадқиқот институтларининг директорлари, олий ўқув юртларининг ректорлари экономикани интенсивлаш ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғланган муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган проблемалар юзасидан илмий фаолиятни мувофиқлаштириш вазифаларини муҳокама қилдилар.

Учрашувда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, регионнинг минерал хом ашё ва ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга, тиклашиб турадиган ноанъанавий энергия манбалари ва уларни халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатишга, сейсмология ва демография проблемаларига катта эътибор берилди.

Учрашувда СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти Н. П. Лаверов, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Асимов, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республика Фанлар академиясининг президенти О. Г. Овезгелдиев, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Хабибуллаев, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги, республика Фанлар академиясининг вице-президенти Е. В. Гвоздев нутқ сўзладилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг раиси Ш. А. Акмалхонов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими С. Ф. Измайлов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Табиат ҳақида жонкуярлик

17 август куни СССР Министрлар Совети Президиумининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссия Ўзбекистон ССРда табиатни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССРда корхоналари жойлашган СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ва СССР Биноқорлик материаллари саноати министрлиги раҳбарлари КПСС XXVII съездининг табиатни муҳафаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш жамиятнинг энг муҳим социал-иқтисодий ва сиёсий вазифаларидан эканлиги ҳақидаги қарорларидан тегишли хулоса чиқариб олмаганликлари ва республикада табиатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилашга оид етарли чора-тадбирлар кўрмаётганликлари таъкидланди. Умуман Ўзбекистон ССРда сўнгги уч йил ичида ҳавога булғатувчи моддаларни чиқариб ташлаш амалда камаймади, ифлос оқава сувларни чиқариб ташлаш эса 1,4 баравар кўпайди. Республика территориясида жойлашган саноат корхоналари ҳавога булғатувчи моддаларни чиқарадиган манбаларни чанг-газдан тозалайдиган ускуналар билан таъминланиш жиҳатидан мамлакатда энг паст кўрсаткичга эгадир.

Сув жуда тақчиллигига қарамай, бу корхоналарнинг оборотли сув таъминоти даражаси атиги 45 процентни ташкил этади.

Ер ости сувлари запасларидан фойдаланишнинг тасдиқланган режимлари бузилмоқда, сув манбаларини булғатиш давом этмоқда. Республика территориясида жойлашган кон-қазиш корхоналари ер ости ресурсларидан оқилона фойдаланмаяптилар, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида ундаги жуда кўп қимматли компонентларнинг нобуд бўлишига йўл қўймоқдалар. Ўрмон ресурслари ва ҳайвонот дунёсини муҳафаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишга етарли эътибор берилмаяпти.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССРда бутун табиатни муҳофаза қилиш ишларини қайта қуриш юзасидан комплекс тадбирлар белгиланди.

Қишлоқ хўжалик экинларига ва дарахтларнинг зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашнинг биологик методларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Таъкидлаб ўтилдики, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини қўлланиш табиий муҳитнинг булғанишига олиб келишига қарамай, мамлакатда ўсимликларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг биологик методларини кенгайтиришнинг таъсирчан чоралари кўридмаяпти. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик дорилари ва турлари жуда чекланган, сифати эса пастлигича қолмоқда. СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги ўсимликларни микробиологик химоя қилиш воситалари ҳажмини кўпайтириш, турларини кенгайтириш ва сифатни яхшилаш юзасидан тегишли чораларни кўрмаяпти. Сўнгги 5 йил ичида СССР Медицина ва микробиология саноати министрлиги корхоналари фақат биргина бактериал препаратни ўзлаштирдилар ва ишлаб чиқаришга жорий этдилар. СССР Давлат агросаноат комитети системасида ўсимликларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашнинг биологик методларини ривожлантириш юзасидан зарур тажриба-конструкторлик ва экспериментал база барпо этилмаган. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик академияси ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методи проблемалари юзасидан тармоқ ва зонал қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот ташкилотлари ишини планли асосда мувофиқлаштиришни таъминламаяпти.

Комиссия, СССР Давлат агросаноат комитетига, СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитетига, СССР Медицина ва микробиология саноати министрлигига, СССР Фанлар академиясига қишлоқ хўжалик экинлари ва дов-дарахтларнинг зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашнинг самарали биологик методларини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришга қаратилган конкрет чора-тадбирларни амалга оширишни, бу соҳадаги илмий тадқиқотларни кенгайтиришни топширди.

Шу билан бирга комиссия юксак деҳқончилик маданияти, алмашлаб экишга риоя қилиш, табиий ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган бошқа тадбирлар негизида пестицидларни қўлланмаган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олаётган, колхозлар ва совхозларнинг, масалан, Чувашия АССРдаги «Ленинская искра» колхозининг тажрибаси етарли даражада мутлақо ўрганилмаётганлиги ва оммалаштирилмаётганлигини таъкидлади. Иттифоқдош республикалар давлат агросаноат комитетларига бундай тажрибани ўрганиш ва кенг жорий этиш чораларини кўриш топширилди.

Комиссия мажлисини СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. С. Мураховский бошқарди.

(ТАСС).

ҒОЯТ МУҲИМ ИШ

Республика партия-хўжалик активи йиғилишидан

Илгари хабар қилинганидек, 17 август куни Тошкентда республика партия-хўжалик активи йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССР аҳолисининг соғлиғини муҳофаза қилишни ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Бу ҳужжат, деб таъкидлади СССР соғлиқни сақлаш министри, академик Е. И. Чазов ўз докладида, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида халқ саломатлигини муҳофаза қилишнинг асосий принципларини ҳамда бутун аҳолига замонавий медицина ютуқлари даражасида медицина ёрдами кўрсатиш мақсадида соғлиқни сақлаш системасини тубдан қайта қуриш йўлларини белгилаб беради. Лойиҳа Октябрь революциясининг энг муҳим ғалабаларидан бири бўлган совет соғлиқни сақлаш системасининг қарор топиш ва ривожланишдаги муваффақиятларига баҳо бериб, сўнгги ўн йилликда мамлакат аҳолисига медицина ёрдами кўрсатишдаги турғунлик ҳолатлари ва камчиликларнинг сабабларини таҳлил этади. Медицина ёрдамининг даражаси ва сифатида жамиятимиз эҳтиёжларини қондира олмайдиган вазият вужудга келди. Профилактика ишлари унутиб қўйилди.

Бу масалалар Ўзбекистон ССРда қониқарсиз ҳал этилмоқда. Профилактика кўриклари тўла ҳажмда ташкил этилмаган, уларнинг сифати паст, бунинг оқибатида касалликлар ўз вақтида аниқланмаяпти, даволашни самарасиз қилиб қўйдиган касалликни ўтказиб юбориш, унинг асорати процентлари жуда катта. Масалан, онкология касалликлари кўпинча жуда ўтиб кетган пайтдагина биринчи марта аниқланмоқда. Бу эса профилактик кўриклар сифати қониқарсизлигининг мутлақ далилидир. Сил касалларни аниқлаш учун профилактика кўрикларига жалб этиш проценти ҳам паст. Республикада юқумли касалликларнинг олдини олиш иши ҳам жуда ёмон.

Лойиҳада профилактикага партия, совет, жамоат ташкилотларининг, соғлиқни сақлаш органларининг совет кишилари саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг асосий йўналиши сифатида жуда катта ўрин берилган. Соғлом авлодни ўстириш, касалликларни даволаш эмас, балки уларнинг олдини олиш — ҳозирги даврда соғлиқни сақлашнинг асосий принциплари ана шулардан иборат.

Бўлажак авлодлар сиҳат-саломатлиги кўп жиҳатдан оналар соғлиғига боғлиқ. Ўзбекистонда эса гинекология касалликларига чалинганларни диспансеризация қилиш ва ҳомиладор аёлларни тиббий кузатиб туриш жуда қониқарсиз йўлга қўйилган, деб таъкидланди докладда. Болалар поликлиникаларида профилактика ишлари расмият учунгина олиб борилмоқда. Жуда кечикиб касалхоналарга ётқизилган бемор болалар сони ғоят кўп.

Бу масалаларнинг ҳаммаси фақат соғлиқни сақлаш органларинингина эмас, шу билан бирга партия ва совет органларининг ҳам доимий эътибори ва контроллигини тақозо этади. Шуни таъкидлаш лозимки, булар фақат социал проблеманигина эмас, шу билан бирга иқтисодий проблемани ҳам ҳал этишга боғлиқ масалалардир. 1986 йилда Ўзбекистон ССРда вақтинча ишга яроқсиз бўлиб, касалликка чалиниш кўпайди.

Профилактика масалаларнинг бутун бир комплексини — атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини сифатли сув, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, санитария-гигиена нормаларига риоя этиш масалаларини ҳал қилишни ўз ичига олади. Профилактиканинг янги формалари масалан, саломатлик марказлари барпо этиш каби формалари тавсия қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР учун профилактика масалалари, аввало, аҳолининг турмуши ва ишининг бир хилдаги санитария-гигиена шароитларини таъминлашдан бошланади. Республикада аҳолини сув билан таъминлашда ғоят оғир аҳвол вужудга келган, сув ресурсларининг етишмаслиги ва сув сифатининг қониқарли эмаслиги ўткир юқумли ичак касалликларига чалиниш даражаси юқорилигининг асосий сабабларидан биридир.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария-эпидемиология хизмати раҳбарлари коммунал гигиена, атроф-муҳит гигиенаси соҳасида тегишли назоратни таъминламаганлар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг лойиҳасида ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касб касалликларини камайтиришга, саломатлик учун ноқулай ишлаб чиқариш омилларига эга бўлган қўл меҳнати ва иш жойлари улушини камайтиришга, хотин-қизларни жисмоний оғир участкаларда ишлашдан ҳоли қилиб қўйишга, шунингдек хавфсизлик техникаси ва меҳнаткашларнинг дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган «Саломатлик» тармоқ ва территориал программаларини бажариш устидан контролликни кучайтириш кўзда тутилган.

Республикада касб касалликларига чалинган беморларни текшириш ва даволаш учун ўринлар етишмаслиги, махсус диагностика аппаратлари билан яхши жиҳозланмаганлик, профессионал патология масалаларида кадрларнинг тайёргарлиги йўқлиги оқибатида кўпгина касб касалликлари аниқланмай қолмоқда.

Санитария назорати органлари тупроқни, сув ҳавзаларини ва ҳавонинг санитария муҳофазаси хусусидаги қонунларга қатъий риоя қилиш манфаатларини кўзлаб, мавжуд ҳуқуқий воситалардан янада қатъият билан фойдаланишлари зарур.

Лойиҳанинг ҳар бир кишининг ва бутун жамиятнинг соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид қисми халқ саломатлигини сақлаш учун катта аҳамиятга эга.

Лойиҳа соғлиқни сақлашни ташкил этиш принципларини ўзгартиришни кўзда тутади. Миқдор кўрсаткичларидан соғлиқни сақлаш барча бўғинларининг иш сифатига қараб баҳо беришга, пировард натижага қараб — умрнинг узунлиги, болалар ўлими, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, инвалид бўлиб қолиш даражасига қараб баҳо беришга ўтиш ана шу ўзгаришларга асос қилиб олинган. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бу соҳада ҳозирдаёқ иш бошлаб юборди.

Медицина ёрдамини ташкил этишда касалхонагача бўлган даврга кўпроқ эътибор берилади. Шу мақсадда иттифоқдош республикалар пойтахтларида, ўлка ва область марказларида ғоят мураккаб ва қимматбаҳо аппаратларни марказлаштириш, мумкин қадар кўпроқ беморларни энг замонавий даражада текшириш имкониятини таъминлаш учун диагностика марказлари тармоғи барпо этилади. Мамлакатда бундай марказлар сони жами 150 тага етади. 1995 йилга бориб 30 минг шаҳар аҳолисига битта поликлиника тўғри келадиган даражага эришиш учун поликлиникалар ва амбулаторийлар тармоғи кенгайтирилади. Кўп ҳолларда беморга касалхонага ётқизилгунга қадар диагноз қўйилиши керак. Касалхонага эса фақат даволаш учун юбориш лозим.

Касалхоналарда ишни камайтирадиган янги формалар — кундузги стационарлар, уй стационарлари жорий этилади. Участка врачларининг роли оширилади, улар йил сайин кўпроқ даражада оилавий врач принципи асосида ишлай бошлайдилар.

Стационар ёрдамини ривожлантиришда туғруққа ва бола парваришига ёрдамни кучайтиришга устунлик берилади. Ўзбекистон ССРда болалар ўлими даражаси ҳозир юқорилигича қолмоқда. Туғруққа ёрдам берувчи ва болалар муассасаларининг моддий базаси жуда

(Давоми иккинчи бетда).

САММИЙ ҚУТЛОВЛАР

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети миллий байрам — Мустақиллик тикланган кун билан АХДП Марказий Комитетини, АДР Революцион Кенгашини, ҳукуматини, бутун афғон халқини совет халқи номидан табрикладилар.

Нажиб, Султонали Кештманд ва Хожи Муҳаммад Цамкан ўртоқларга йўлланган телеграммада бундай дейилади: «Олис 1919 йилда бўлгани каби шу кунларда ҳам афғон халқи ўз мустақиллиги ва суверенитетига тажовуз қилаётган империализм ва реакция кучларига қарши мардона курашмоқда.

Советлар мамлакати дунёда биринчи бўлиб Афғонистонни мустақиллигини тан олгандан кейин ўтган 68 йил дўстлигимиз, яхши қўшничилигимиз ва ҳамкорлигимиз муттасил ривожланган йиллар бўлди, Совет — Афғонистон муносабатлари учун анъана бўлиб қолган мана шу тушунчалар Афғонистоннинг тақдири учун мураккаб ва масъулиятли ҳозирги босқичда янги маъно касб этиб, сифат жиҳатдан янги мазмун билан бойди.

Совет Иттифоқи миллий яраш сиёсатини қатъият билан астойдил қўллаб-қувватлади ва афғон халқининг афғонлар диёрида осойишталикни қайта тиклаш, Афғонистоннинг миллий экономикасини ривожлантириш соҳасидаги кучғайратларига, суверенитет ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашига ҳар томонлама ёрдам бераверишга тайёрдир.

Афғонистон раҳбарларининг М. С. Горбачев, А. А. Громико, Н. И. Рижков ўртоқларга йўллаган жавоб телеграммасида миллий байрам муносабати билан йўлланган саммий қутловлар учун саммий миннатдорчилик изҳор этилган.

(ТАСС).

ҒОЯТ МУҲИМ ИШ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

заиф, акушерлик ва болалар стационарлари тўлиб кетган, эпидемияга қарши санитария режими тез-тез бузилмоқда.

Биринчи ярим йилликда туғруққа ёрдамлашувчи ва болалар муассасалари қурилиши плани бажарилмади. 80 ўринли туғуруқхоналар ва бир сменада 360 кишини қабул қиладиган болалар поликлиникаларини ишга тушириш барбод қилинди. Бухоро ва Нукусдаги янги қурилаётган юқумли касалликлар шифохоналари қурилиши сифати жуда паст бўлганлиги сабабли фойдаланишга топширилмади. Тошкентда 300 ўринли болалар касалхонаси қурилиши 10 йилдан ва иккита туғуруқхона қурилиши 6 йилдан кўпроқ давом этди. Самарқанддаги 300 ўринли кўп профилли болалар касалхонаси 1979 йилда қурила бошлаган бўлиб, ҳали охири кўринмаяпти.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларида биринчи галда Ўзбекистон ССРга ёрдам кўрсатиш юзасидан катта иш олиб бормоқда. Акушер ва педиатр мутахассисларнинг 150 бригадаси, ультратовуш диагностикаси аппаратлари ҳамда нимжон гўдакларни сақлаб қолиш аппаратлари юборилди, қўшимча дори-дармонлар ҳам ажратилди.

Шу билан бир пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети соғлиқни сақлашга эътибор бериб ва актив ёрдам қилиши зарур. Бу аввало қурилиш масалаларига таллуқлидир.

Соғлиқни сақлаш масалалари кўп жиҳатдан социал масалалар бўлиб, уларни регионларни социал-иқтисодий ривожлантириш комплексида ҳал этиш, бир қанча зарур позицияларда уларни ҳал этишни биринчи ўринга қўйиш лозим. Ихтисослаштирилган ёрдамни мустаҳкамлаш, шу мақсадда илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

«Тез ёрдам» хизмати жиддий равишда мустаҳкамланади, аҳолиси 300 минг кишидан ошадиган шаҳарларда «Медицина тез ёрдами»нинг ихтисослаштирилган касалхоналари, аҳолиси 1 миллион кишидан кўп бўлган шаҳарларда ҳамда иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида эса «Тез ёрдам» касалхоналари ва станцияларини ҳамда санитария авиациясини ўз ичига оладиган «Медицина тез ёрдами» бирлашмалари ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги ходимларига медицина ёрдами кўрсатишга катта аҳамият берилмоқда.

Замонавий моддий-техника базаси яратилган тақдирдагина соғлиқни сақлаш проблемаларини ҳал қилиш мумкин. Мавжуд база, шунингдек медицина техникаси ва дори-дармонлар билан таъминлаш ҳозирги талабларга жавоб бермайди.

Барча даражадаги медицина ходимлари малакасини ва уларнинг масъулиятини оширган тақдирдагина соғлиқни сақлашни қайта қуриш, медицина ёрдами кўрсатиш сифатини ошириш мумкин бўлади. Шу мақсадда олий медицина таълимини қайта қуриш мўлжалланади. Қайта қуриш бўлғуси врачлар тайёрлашни кўпайтиришни, медицина билимини эгаллашда кўпроқ мустақиллик, талабчанликни оширишни кўзда тутади. Башарти, студент амалий врачлик малакаларини эгалламаса, унга ўрта медицина ходими деган справка берилади. Шу справкага мувофиқ у орадан бир йил ўтгач, яна имтиҳон топшириши мумкин бўлади. Врачларнинг ҳозирги даражада нечоғлиқ ишлай олиши мумкинлигини чамалаб, уларни аттестациядан ўтказишга катта аҳамият берилади. Иш савияси беморларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган кишиларни врачлик дипломидан маҳрум этиш таклиф қилинади. Ўзбекистон ССРда шу масалаларга алоҳида эътибор бериш керак. Акушерлар, педиатрлар, инфекционистлар, онкологлар, профпатолог врачлар малакасини пастлиги тўғрисида боя гапириб ўтдим. Хирургиядаги ишлар ҳам дуруст эмас, деди докладчи.

Республикада врачлар, айниқса педиатрлар етишмайди. Қишлоқ соғлиқни сақлаш муассасаларини врачлар билан таъминлаш қониқарли эмас. Айни маҳалда кадрлар қўнимсизлиги кўп, уй-жой билан таъминлашдаги қийинчиликлар шунинг сабабларидан биридир. Бу масалаларнинг ҳаммаси дарҳол ҳал этилиши керак.

Лойиҳанинг махсус бўлими медицина фанини қайта қуришга, уни такомиллаштириш ва илмий ютуқларни практикага актив жорий этишга бағишланган. Ўзбекистон ССРда илмий кадрлар ва илмий-педагог кадрлар талайгина — 4307 киши бўлиб, шундан 308 киши фан доктори ва 2 минг киши фан кандидатидир. Шу билан бирга республика учун жуда муҳим бўлган педиатрия, акушерлик, юқумли касалликлар проблемалари дуруст ўрганилмаяпти. Ушбу проблемалар юзасидан олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар иттифоқ даражасидан паст, республика соғлиқни сақлаш ишининг социал буюртмаси бажарилмаяпти, амалда жорий этиш учун муҳим илмий ютуқлар йўқ.

Совет соғлиқни сақлаш системаси вужудга келгандан кейин қайта қуришнинг кўлами ва характерига оид биринчи ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда социал масалаларни ҳал этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлади, партия XXVII съезди қарорларининг реал амалга оширилиши бўлади, деб хулоса қилди докладчи.

Йиғилиш қатнашчиларининг нутқларида республика соғлиқни сақлаш системасининг ҳолатига холис баҳо берилди, конкрет тавсиялар ва истаклар айтилди. Минбардан танқидий сўзлар дадил янгради, ишларнинг аҳволи хусусида чуқур ташвиш билдирилди, лекин нутқларнинг руҳини белгилаб берган асосий гап катта профессионал оптимизмдан иборат бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов, Қорақал. поғистон АССР соғлиқни сақлаш министри А. Д. Дўсназаров, Ўйчи марказий район касалхонаси бўлимининг мудири, СССР халқ врачи Н. Ю. Жуманова, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Денов марказий район касалхонасининг бош врачи Ф. И. Ғозиева, Чирчиқ туғуруқхонасининг бош врачи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач А. М. Гладких, республика Соғлиқни сақлаш министрлиги илмий медицина кенгашининг раиси, Ленин мукофотининг лауреати Ё. Ҳ. Тўрақулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов сўзга чиқдилар. Ўтган йил ичида республика соғлиқни сақлаш системаси органлари ва муассасаларининг фаолиятида баъзи ижодий ўзгаришлар рўй берганлиги, бир қанча йирик тадбирлар амалга оширилганлиги, раҳбар кадрлар аттестациядан ўтказилганлиги айтилди.

Лекин қайта қуриш позициясидан гапирадиган бўлсак, бериладиган баҳо битта — республика соғлиқни сақлаш системасида бу жараён аслида ҳали бошланган эмас. Жойлардаги партия комитетлари медицина муассасалари бошланғич партия ташкилотларининг структураси ва сифат составини қайта кўриб чиқишдек муҳим масаланинг моҳиятини тўла тушуниб етмаганлар. Тошкент шаҳридаги врачлар

ДЕНГИЗНИНГ НОЛАСИНИ КИМ ЭШИТАДИ?

«Бутун-бутун халқлар тақдири боғланган Орол денгизини қутқариб қолишдек энг ўткир вазифани ҳал этишга қаратилган барча конкрет ишларда сиз билан биргамиз. Ёзувчилар союзимизда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузурида иш кўраётган комитетга ёрдамлашувчи группа туздик. Бу группага экология муаммоларини яхши биладиган ва шу масалалар хусусида фаол ёзаётган таниқли туркман ёзувчилари кирдилар. Улар орасида республика халқ ёзувчиси, адиб ва публицист, Каспий муаммолари хусусидаги бир қанча мақолалар муаллифи Раҳим Эсенов, Махтумқули номидаги Туркманистон ССР Давлат мукофоти лауреатлари Сейитниёз Отаев ва Тиркиш Жумагелдиев, машҳур ёзувчи Отагелди Қораевлар бор.

Мазкур группа билан Туркманистон Ёзувчилар союзи орқали алоқа боғлаш мумкин. Ҳавф остида қолган Орол денгизимизнинг бугуни ва келажаги йўлида ҳар томонлама биргаликда ҳаракат қилишга ва ҳамкорликка тайёрмиз».

Туркманистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Х. Дурдиев номидан ана шу мазмундаги хат Ашхободдан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги «Орол» комитетига келди.

Олмаотадан олинган хабарга қараганда, «Қазақ адебиети» газетаси қардош республика ёзувчилари, олимлари иштирокида «Оролнинг тақдири» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Бу суҳбат ҳақидаги ҳисобот газетанинг икки сонида босилди. Мунозара иштирокчиларининг якдил талабига кўра, қалам ҳақи Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги жамоат комитети фондига ўтказилди.

«Орол» фонди тобора кўпайиб бормоқда. Давлат банкидаги махсус 000700778 рақамли счётга маблағлар тез-тез келиб турибди. Турли ёш ва касбдаги кишилар ниҳоятда ўткир экологик ва социал муаммога ўз муносабатларини шу тахлитда изҳор этмоқдалар. Оролнинг дардини енгиллатиш учун ёрдам беришга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

Қўшкўпир районидаги А. Қурбонов номли колхозда яшовчи Қаҳрамон она, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Дурдипошша Ёқубова хонадонида хоразжатлар кам бўлмаса керак. Аммо шунга қарамасдан, ҳалол меҳнат билан топиладиган ҳар бир тийиннинг қадрини жуда яхши биладиган бу меҳнаткаш аёл оила бюджетидаги маблағнинг бир қисмини Орол фондига юборишни лозим топди.

— Орол денгизи ҳамиша кўз ўнгимизда эди, — дейди у, —болаларимиз ва неваларимиз бундан бебаҳра бўлиб қолади, деб ўйлаганимда, юрагим орқага тортиб кетади.

Дурдипошшанинг ҳамюрти —Хоразм область Қўшкўпир районидаги саккиз йиллик мактаб ўқитувчиси Омонбой Самандаров ҳам унинг фикрига қўшилади. У ойлик иш ҳақининг ўн процентини икки йил мобайнида «Орол» фондига ўтказиб туришга қарор қилди. Урганчдаги «Узводстройтранс» автомобиль корхонасининг ишчиларидан беш юз киши эса мазкур фондга бир кунлик иш ҳақини ўтказди.

Оролга ёрдам қўлини узатаётганларнинг номини санаб ўтиш қийин. Хоразм область Шовот ва Боғот районларининг деҳқонлари, Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги қишлоқ меҳнаткашлари, Аму-Бухоро каналини ишга туширувчилар, Тошкент ва Фарғонадаги ташкилотлар ҳамда айрим гражданлар ушбу фондга пул ўтказдилар. Қуриғлиш отрядларида меҳнат қилаётган самарқандлик студентлар Орол фондини қўллаб, «зарбдор меҳнат куни» ўтказдилар.

Гулистон шаҳридан бизга хабар беришларича, Вороширов районидаги мактаблардан бирининг 6-синфида таълим олаётган ўқувчилар мактаб буфетида эрталабки нонуштадан воз кечиб, тежаб қолинган пулни Орол фондига юборишга қарор беришган. Болаларни бу шахтидан қайтаришди албатта, чунки Оролни болалар ҳисобига эмас, улар учун қутқариш керак. Лекин ана шу ўқувчиларнинг бу эзгу нияти кишини қойил қолдиради.

Болаларнинг тангалари билан Оролни қутқариб бўлмайди, албатта. Мазкур фондга тушаётган маблағлар қанчалик кўп бўлмасин, денгизни сув билан тўлдира олмайди. Бу маблағлар Орол тақдирини ўйлаётган, дардли денгизга малҳам бўлаётган кишилар онги ва қалбларини тўлқинлантиради. Уни қутқариш юзасидан бошланган ҳаракат эса табиат ноласини тинглашга ўргатади, фақат тинглашга эмас, балки конкрет ишлар қилишга ҳам чорлайди.

— Эндиликда биз Орол муаммоси тўғрисида вақтли матбуотда эълон қилинган барча мақолаларни йиғиб, уларни фонд маблағи ҳисобига алоҳида тўпламда нашр этишга қарор қилдик, дейди ана шу жамоатчилик комитетининг раиси Пирмат Шермуҳамедов режалар ҳақида гапираркан. — Бу ҳам хайрли, ҳам фойдали иш бўлади, деб ўйлаймиз. Турли фикр-мулоҳазалар, нуқтаи назарлар, мутахассисларнинг таклифлари ҳамда муаммонинг барча жиҳатлари тўғрисида манфаатдор одамларнинг фикр-ўйлари ни тўплаш мароқли бўлади...

Ҳа, бу — зарур иш. Бу иш пайсалга солинмаса унинг амалий аҳамияти ҳам бўлади: Орол бўйига таллаётган аниқ тавсияларни ҳамда хўжалик, экологик масалаларни тез ҳал этиш йўлларини кўрсатиб бериш мумкин... Ва ниҳоят ана шундай тўпламлар жуда хилма-хил ва баъзан зиддиятли масалалар комплексида жамоатчилик назоратида бўладиган аниқ йўлни ишлаб чиқишга ҳам ёрдам беради.

Аммо Орол хусусидаги мақолалар ҳозирча кам. Вақтли матбуотда журналистлар, ёзувчилар ҳам, «Орол» комитетининг аъзолари ҳам, улар сафарбар этиши лозим бўлган кишилар сингари ҳозирча актив ишлашаётганлари, залворли мақолалар билан чиқишаётгани йўқ. Гўё ҳамма нарса ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетади, деб кутиб туришгандек.

Ўз-ўзидан ҳал бўлмайди. Афсуски ҳозирча шуни аниқравшан айтиш мумкин. Мен кейинги пайтларда рўй-рост Орол денгизи қуриса қуриб-ди-да, дегувчи одамларни учратганим йўқ. Оғзидаки ҳамма Оролни ҳимоя қилишга тайёр, амалда-чи?

Амалда шундайки, келгуси йилдан бошлаб Тошовуз тармоғи, яъни 180 километрли канал ишга тушади, у Оролдан секундига яна 400 кубметр Аму сувини «симириб» кетаверади. Гидрологларнинг маълумотларига қараганда сўнгги икки йил ичида денгизга Амударёдан бир томчи ҳам сув келиб қуйилмапти. Тошовуз каналини 1982 йилда қазишга киришдилар. Ўша кезлар Амударёда ортиқча сув йўқлиги, денгизга бориб қуйиладиган сув прогноздаги миқёслардан қариб олти баравар камайганлиги равшан эди.

«Орол» комитетида ана шу масала хусусидаги ёзишмалардан «шишиб» кетган папка бор. Кўпчилик одамлар янги канал қурилишига қарши чиққан эдилар. Улар орасида В. Д. Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтининг олимлари, «Узбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари бор эди, булар ва бошқа ниҳоятда нуфузли ташкилотлар ҳамда идоралар унча катта бўлмаган суғориладиган битта зонага хизмат қиладиган мазкур канал суғориш шароитини яхшилаш у ёқда турсин, балки кенг Орол бўйи регионидаги умумий экологик вазиятни ёмонлаштиришини қатъий айтдилар. Бу канал қанча янги ерни суғориши даргумону, аммо Хоразм воҳасидаги қадимдан ҳайдалиб келинаётган 175 минг гектар майдонни реал хавф остига солади. Археологлар эса канал трассаси кўҳна меъморликнинг ноёб обидалари шаҳри бўлган Хивадан бор-йўғи 12 километр нарида ўтаётганлигидан хавотирга тушаётганликларини айтдилар.

Олимлар ва мутахассислар фикри бир жойдан чиқиб, янги суғориш тармоғини қазиш керак эмас, дейишади. Бунинг устига Тошовуздаги хўжаликлар ҳозир ишлаб турган Шовот каналидан шунча миқдорда сув олмоқдалар-ку, ахир.

Аммо республиканинг ўша вақтдаги раҳбарларини билимдон одамларнинг фикр-мулоҳазаси қизиқтирмади. Уларга фақат хўжакўрсингагина нуфузли муҳокама зарур эди, холос. Ш. Рашидовга Туркманистондан телефон қилишди, шундан кейин эса Н. Худойбердиев имзо чеккан ҳужжат пайдо бўлди. Бу ҳужжатга кўра зарарли лойиҳани амалга оширишга рухсат этилди. Бу ҳужжатда, гўё муқаррар бир асос, яъни «қардош халқнинг миллий манфаатларига эҳтиром...» деган калима ҳам бор эди.

Нима ҳам дердик, улар совет кишилари учун муқаддас бўлган қадриятларни бозорга солишга ҳам уста эдилар. Аслида эса улар қайси манфаатларни назарда тутишгани хусусида тегишли партия ҳужжатларида ёки жиноий терговнинг протоколларида батафсил айтилган.

Биз бу мақоланинг бошида «Орол» комитетига туркман ёзувчилари юборган мактубни келтирганимиз тасодиф эмас. Чунки бу хатда сафсата нари суриб қўйилиб, тақдири Орол билан боғланган туркман халқининг асл миллий манфаатлари хусусида гап боради. Мақоламизни яна қардош халқ вакили, тошовузлик сув хўжалиги инженери Мақсад Мурзаевнинг ҳиммати билан якунламоқчимиз. У биринчилар қатори Орол фондига ўз маошининг бир қисмини ўтказа бошлади. Мақсаднинг айтишича, босиб келаётган экологик офат паспортларни сўраб-сўриштириб ўтирмайди, бу офат регионда яшовчи барча кишиларнинг бошига кулфат солиши мумкин. Экологик ҳалокатнинг олдини олиш, денгизни қутқариш учун куч-ғайратларни бирлаштириш керак. Ҳозир бу — умуммиллий иш.

А. БАРАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

• Табиат ва инсон

- Экологик вазиятни яхшилаш ҳаммамизнинг бурчимиз.
- 000700778 счётига тез-тез маблағ келиб турибди.
- Газетхон Каспий денгизидан сув олишни таклиф этади.

Орол яшайдими, ҳа!

Бугунги кунда Орол денгизининг сатҳи 13 метр пасайди. Сув миқдори ярмидан кўпга камайди.

Экологик мувозанатнинг бу хилда бузилиши натижасида Орол денгизининг буткул қуриб, йўқ бўлиш хавфи туғилди. Эндиликда денгиз «ҳаёти»ни сақлаш муаммосини ижобий ҳал этиш асосий масала бўлиб турибди. Айрим мутахассислар Амударё бўйида жойлашган хўжаликларда сувдан унумли ва тўғри фойдаланиш лозим дейишса, бошқалари Амударё бўйидаги зовур сувларини йиғиб, коллекторлар орқали Орол денгизига оқизиш кераклигини уқтиришади.

Дарҳақиқат, ҳар икки масалани амалга оширишнинг нафи бордек кўринади. Аммо бу тежалган сув ва коллекторлар орқали Оролга борган зовур сувлари денгизни эски ҳолатига келтириш эмас, уни ҳозирги ҳолатда сақлаб қолишда ҳам кам роль ўйнайди. Чунки бу сувларнинг йиғиндиси 4—5 куб километрга ҳам етмайди. Орол денгизидан эса йилига 35—40 куб километр сув буғланади. Қолаверса, бу ишлар кўп маблағ, муҳими кўп вақт талаб этади.

Шундай экан, Орол денгизини сақлаб қолиш имконияти борми?

Хоразм воҳаси узунлиги Туямўйиндан тортиб Мўйноққача тахминан 400—450 километрни ташкил қилади. Мана шу майдонда Хоразм, Тошовуз области ва Қорақалпоғистон Автоном республикаси жойлашган. Шундай географик ўрталиқдаги ерларга бир неча минг йиллар ҳаёт бахш этган Амударё эндиликда бу вазифани бажаришга ожизлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам Хоразм воҳасига яқин атрофдан сув келтириш зарур. Қаердан? Каспий денгизидан.



Бу денгиз табиатан уч қисмга: Шимолий, Ўрта ва Жанубий Каспийга бўлинади. Шимолий Каспийнинг майдони 90,1 минг квадрат километр, сувининг ҳажми 400 куб километр, ўртача чуқурлиги — тўрт метрни ташкил этади. СССРнинг Европа қисмидаги энг катта Волга дарёси Шимолий Каспийга йилига ўртача 250—270 куб километр сув қуяди. Урал дарёси эса 10—11 куб километр сув келтиради. Бу икки дарё суви Каспийга оқадиган сувларнинг 90 фоизини ташкил қилади. Қолгани Терек, Кура ва Эрон тоғларидан бошланувчи дарёлардан келади. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, Каспийдан йилига бир метргача бўлган сув буғга айланади.

Волга дарёсидан Каспийга келадиган сув бир қанча тармоқлар орқали қуйилади. Натижада денгизнинг суви юз километргача шўрланмайди. Бу сув дельта бўйлаб узунлиги 300 километрни ташкил этади. Шўрланмаган юз километрлик сувдан кейин аралашган сув бошланади. Ундан кейин Мангишлоқ ва Комсомолец бўғозларига яқин жойларда шўр сув бор.

Волга дарёсининг дельтасида ўрнашган Морской Сетной оролидан Бўзачи ярим ороли қирғоғигача бўлган масофа 170 километр. Шўрланмаган сувни яқин келтириш учун Бўзачи ярим оролининг шарқ томонидаги Кайдак пастлиги устидан Комсомолец бўғози томон канал тортилади. Бу канал Тиген районидан ўтиб, Мангишлоқ бўғозига чиқади.

Бўзачи ярим оролининг ғарбий нуқтасидан Кулоли оролигача дамба кўтарилади. Ана шу канални қазиб, Бўзачи ва Кулоли оролларини дамба билан боғлаб, янги бир оқим вужудга келтирилади. Шунингдек, сув йиғиш учун Кулоли — Морской Сетной ҳамда Морской Сетной — Зюдев дамбаларини кўтариш лозим. Бу канал ва дамбалар битгач, Волганинг Каспийга келтирадиган 250—270 куб километр сувидан камида 200 куб километрини Сай-Утес районидан ўтказиш мумкин. Бу эса шўрланмаган Шимолий Каспий суви бўлади. **(Схемани қаранг).**

Бу сувни оқизгач, Комсомолец бўғозидан Бейнов томонга землесос билан канал қазилади. Натижада шўрланмаган Шимолий Каспий сувини Бейнов районидан Орол денгизига ва Қўнғиротга келтириш мумкин.

Бейнов — Орол денгизи оралиғидаги масофа — 250 километр. Орол—Каспий кемалар юрадиган канал қазилса, унга сув Каспийдан берилади. Бу масофа орқали 15—20 куб километр сув ўтказиш мумкин.

Бейновдан— Қўнғиротгача бўлган 410 километрлик масофада темир йўл бўйлаб ёпиқ, гоҳо очиқ канал тортилса, мазкур канал орқали эса ўн куб километргача сув олиш мумкин.

Шимолий Каспий сувини икки-уч каналлар орқалигина эмас, балки бир неча очиқ-ёпиқ каналлар ўтказиш йўли билан Қўнғиротга, Амударё дельтасига келтириш мумкин.

Бўзачи ярим оролининг шарқи-жанубидан оқадиган Кайдак-Каракету каналидан Тиген районида Тиген — Шетпе канали олинади. Шетпе районида бу канал уч томонга тортилади: Шетпе — Баутина, Шетпе — Шевченко, Шетпе — Тенге. Бу каналларнинг қурилиши Мангишлоқ ярим оролида халқ хўжалигининг ривожланиши учун катта наф келтирган бўлур эди.

Мангишлоқнинг, Сай-Утес районининг ғарбидан Қорабўғоз-гол шимоли орқали канал қазилса, у Қўнғиротгача тортилади. Жанубий Устюрт канали орқали Қўнғиротгача 10—15 куб километр сув олиш мумкин. Муҳими, бу сувнинг ҳажми Орол денгизидан бўғланиб турган сув ҳажмидан кўп бўлиши керак. Шундагина аҳвол ўзгариши мумкин. Бу билан фақат Оролни сақлаб қолишгина эмас, умуман табиат муҳофазасига катта эътибор берилган бўлур эди. Бу масалаларни ҳал қилиш учун эса барча имкониятлар мавжуд. Сув, ишчи кучи, техника етарли, ҳатто иқлим ҳам қаноатланарли.

Каспий денгизидан сув оладиган бўлсак, у ҳам Оролнинг қўйига тушиб қолмайдими, деган савол туғилиши табиий. Шуни айтиш керакки, Каспийнинг кейинги тўрт минг йиллик тарихида ҳар 25—35 йилда унинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб бориши ҳоллари юз берган. Каспийнинг суви 1980 йилдан бошлаб кўтарилмоқда. Шу боис ундан Оролга каналлар орқали маълум ҳажмда сув олиб келиш йўли билан Амударё дельтасини, Оролни сақлаш мумкин.

Оролни асраш эса — регионда ҳаётни сақлаш демакдир.

О. ҲУСАИНОВ,
СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«САНСАЛОРЛИК БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ»

Шундай сарлавҳа остида босилган (1987 йил 10 июнь сони) танқидий мақолада Қаршин районидаги Ертепа қишлоқ Совети территориясида жойлашган ипакчиликка ихтисослашган хўжаликда 1981 йилда қуртхоналар қурилиши бошланиб, шу пайтгача ниҳоясига етказилмаганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ ПИЛЛАЧИЛИК БОШ БОШҚАРМАСИдан олинган расмий жавобда шундай дейилади:

— Мақола ўрганиб чиқилди. Танқид тўғри.

Бинони фойдаланишга қабул қилишда хўжасизларча муносабатда бўлганликлари учун қурилишнинг собиқ инженери А. Хўжақуловга ва қурилишнинг ҳозирги инженери С. Зиятдиновга ҳайфсан берилган. Қашқадарё область пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Тўраевга объектлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳозирги вақтда бош лойиҳачи — «Узгипросельхоз» Қаршидаги ипакчилик совхози қуртхоналарининг ишитиш системасини реконструкциялаш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрламоқда. Лойиҳа-қидирув ишлари тугаллангач, ҳужжатлар территория бўйича буюртмачи Қашқадарё область агросаноат комитетига капитал маблағ планига киритиш учун топширилади.

Қашқадарё область пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмасига қуртхоналардан реконструкция бошлангунга қадар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва бошқа мақсадларда фойдаланиб туриш топширилди.

* * *

Бундан ташқари газетанинг шу йил 4, 6, 7 ва 10 март сонларида босилган «КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ» сарлавҳали мақолаларга САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда шундай дейилади:

— Самарқанд шаҳар Боғишамоя районида оммавий-сиёсий ишлар, техникавий ва бадиий ижодкорлик, жисмоний тайёргарлик кўрикларининг комплекс системаси қандай жорий этилаётганлигига бағишланган бу материаллар тажрибани ўз вақтида оммалаштиришга имкон берди. Эндиликда областдаги Темирйўл, Сиёб, Булунғур ва Самарқанд район партия комитетлари ҳам боғишамолликлар ибрати асосида комплекс системани ҳаётга татбиқ этишга изчил ёндашмоқдалар.

Туркум мақолалар бошқа шаҳар ва район партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида ҳам атрофлича ўрганиб чиқилиб, кўриклар самарадорлигини таъминлаш чоралари белгиланди. Область партия комитети, хусусан, унинг пропаганда ва агитация бўлими кўриклар қандай ўтаётганлигини мунтазам кузатиб бормоқда, амалий методик ёрдам кўрсатмоқда.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

Бугун—Афғонистоннинг миллий байрами— Мустақиллик тикланган кун



УМИД ВА ИШОНЧ

Бизнинг жанубий қўшнимиз — Афғонистонда бугун катта тантана. Афғон халқи ўз миллий байрами — мустақиллик тикланган куннинг 68 йиллигини нишонламоқда.

Инглиз мустамлакачилари Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда иқтисодий, ҳарбий, сиёсий манфаатларини қарор топтириш учун Афғонистондан плацдарм сифатида фойдаланиш мақсадида салкам 100 йил давомида уни тиз чўктиришга уринди. Лекин эрксевар афғон халқи бунга қарши мардонавор қураш олиб бориб, ўз мустақиллигини сақлаб қолди. 1919 йилнинг августида Равалпиндида инглиз мустамлакачилари Афғонистон билан дастлабки тинчлик шартномасини имзолашга мажбур бўлди. Бу шартномага мувофиқ Буюк Британия Афғонистон мустақиллигини тан олди. 1978 йилдан бошлаб АДР Революцион Кенгашининг Декретига кўра мустақиллик тикланган кун сифатида нишонланмоқда.

Афғон халқи ўтган 68 йил мобайнида миллий тикланишнинг мураккаб ва оғир йўлини босиб ўтди. Ташқи ва ички реакциянинг хуружи кучайишига қарамай афғон меҳнаткашлари келажакка умид ва ишонч билан қарамоқдалар. Мамлакат аҳолисининг барча социал группалари ва қатламларининг эзгу орзу-умидларига жавоб берувчи миллий яраш сиёсати изчил ва оғишмай амалга оширилмоқда. Афғон халқи 9 йиллик биродаркушлик урушидан чарчади. Унинг энг катта истаги — давлатнинг барча территориясида тинчлик ва хавфсизликни тиклаш, лекин Афғонистон ҳукуматининг миллий яраш ва қаратилган инсонпарварлик ва адолатли йўлига тўғаноқ бўлаётган реакцион кучлар Афғонистон Қуролли кучларининг ўт очишни тўхтатиш қоидаларига риоя этаётганлигига қарамай босқинчилик фаолиятини давом эттирмоқдалар. Бугун Афғонистонда яхшилик сари ўзгаришлар сезилмоқда. Халқ ҳокимиятига душман бўлганларнинг анчағина қисми қуролли қаршилик кўрсатишни тўхтатди. Кўпчилик афғон қочоқлари она юртларига қайтиб келмоқдалар. Афғон халқи комил ишонч билан янги ҳаёт йўлидан бормоқда. Бунда унга Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар қардошлик ёрдамини кўрсатмоқда.

А. РЎЗИЕВ.

Суратда: совет мутахассислари Кобулдаги радиореле станциясининг қурилишида.

Л. Портер фотоси, ТАСС фотохроникаси.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

12 август куни атмосферада, Ғарб мамлакатлари мутахассисларининг тан олишларича, аҳолига ҳеч қандай хавф келтирмайдиган радиоактив моддалар миқдорининг бир оз ошганлигидан Ғарбдаги оммавий ахборот воситалари Совет Иттифоқини қоралаш мақсадида пропаганда кампаниясини ташкил этиш учун фойдаландилар. СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида 17 август куни совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган брифингда СССР Ташқи ишлар министрлиги ахборот бошқармасининг бошлиғи Г. И. Герасимов шу ҳақда гапирди.

Совет Иттифоқини, деди у, атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуролини синашни тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасини сал бўлмаса бузишда айбладилар. Совет Иттифоқи чегарасидан Ғарбда радиоактив фоннинг ҳар қандай кўтарилишини у ёки бу йўллар билан бизнинг мамлакатимизда юз бераётган воқеалар билан боғлиқ қилиб кўрсатишга уринишлар биринчи марта бўлаётгани йўқ. Ғалати манзара юз бермоқда: агар Ғарбдаги пропаганда воситаларига ишониладиган бўлса, радиоактив шамоллар фақат Шарқдан эсиши мумкин. Айни пайтда, масалан, 13 август куни АҚШ Невада штати полигонида қудратли ядро қурилмасини портлатгани, 12 август куни Буюк Британияда Шимолий Уэльс ва Дамфризшир атом электро станцияларида авария юз берганлиги фактлари четда қолиб кетмоқда.

Совет ташкилотлари ўтказган ҳар томонлама текшириш совет томони 2 август куни Янги Ер оролида ўтказган ядро портлатишидан кейин жуда кам миқдорда газсимон маҳсулот атмосферага чиққанлигини, бу эса радиоактив чўкиндилар ҳосил бўлишига олиб келмаганлигини кўрсатганлиги брифингда таъкидланди. Шундай қилиб, Янги Ер оролида ер ости ядро портлатишини ўтказиш натижасида бирон-бир давлатда радиоактив чўкиндилар пайдо бўлиши имкониятлари тўла истисно этилади.

Совет Иттифоқида, деб таъкидлади СССР Ташқи ишлар министрлигининг вакили, атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуролини синашни тақиқлаш тўғрисидаги 1963 йил Шартномаси қоидаларига сўзсиз ва қатъий риоя этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу шартнома қуролланиш пойгасини чеклашнинг ғоят муҳим воситаси ҳамда ядро синовларини тўла-тўкис тўхтатиш йўлидаги дастлабки қадам, деб баҳоланмоқда.

Ядро қуролини синашни ялпи ва тўла тақиқлаш СССР ташқи сиёсатининг асосий мақсадларидан биридир. Совет Иттифоқи бир ярим йилдан кўпроқ вақт давомида ҳар қандай ядро портлатишларини бир томонлама тўхтатиб турганлиги бу масалага ёндашишда бизнинг самимийлигимиз ва изчиллигимиздан ишонарли тарзда далолат беради. Совет ядро полигонларида АҚШ полигонларида ҳам жавоб тарзида сукунат бўлишини кутиб, 500 кундан кўпроқ портлатиш ўтказилмади. Бизнинг синовларни бошлашимизга тўғри келган экан, деб таъкидланди брифингда, бунда Совет Иттифоқининг заррача айби йўқ. Ҳозирги вақтда мораторийни барбод қилган ўша кучлар энг аввало ўзларининг бузғунчилик сиёсатларини ниқоблашга мўлжалланган ўринсиз уйдирмаларини тўқиб чиқармоқдалар.

(ТАСС).

ДЎСТЛИК БЕЛГИСИ

Фарғона области меҳнаткашларининг Жузжон вилояти аҳолисига совғалари — кийим-кечак, пойабзал, газлама, бошқа зарур товарлар ортилган автомашиналар колоннаси Фарғонадан Афғонистон Демократик Республикасига жўнаб кетди. Бу совғаларнинг умумий қиймати 600 минг сўмдан кўпроқдир.

Фарғоналиклар Жузжон вилояти аҳолиси билан мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатганлар. Дўст афғон халқига совға-саломни жўнатиш куни Фарғона меҳнаткашларининг митинги бўлди. Сўзга чиққанлар совет ва афғон халқларининг бузилмас дўстлиги, совет кишиларининг ўз интернационал бурчларига содиқлиги ҳақида гапирдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ВАШИНГТОН. Оқ уй ходимлари аппаратининг раҳбари Говард Бейкер Си-би-эс телекомпаниясининг «Мамлакат билан юзма-юз» якшанба кунги программасида гапириб, АҚШ контрасга ёрдам беришни тўхтатмоқчи эмас ва президент Рейган уларга қўшимча мадад бериш учун конгрессдан маблағ ажратишни сўраши тайин, деб айтди.

Бейкернинг нутқи АҚШ бундан буён ҳам мустақил Никарагуанинг ички ишларига аралашишни давом эттираверишини тасдиқлади. Унинг сўзларига қараганда қўшимча ҳарбий ёрдам сўраш тақдири Сандиночилар ҳукумати можароларни тинч бартараф этиш жараёни чоғида контрасниг манфаатини нечоғли ҳисобга олишига ва мамлакатдаги ўзгаришлар Вашингтон Никарагуадан қилаётган талабларга қанчалик мос тушишига шу қадар боғлиқ бўлади.

НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатлар бундан буён ҳам Форс кўрфази районида ҳарбий куч-қудратни тобора ошириб бораверишниятидадир. Бу президент Рейганнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Фрэнк Карлуччининг сўзларидан аён бўлиб қолди, у Эн-би-си телекомпаниясининг «Матбуот вакиллари билан учрашув» якшанбалик программасида шу хусусда гапирди. Унинг сўзларига қараганда, АҚШ «Форс кўрфазига Америка кемаларини минадан ҳимоя қилиш учун қўшимча воситаларни жўнатмоқда». Америка ҳарбий денгиз кучларининг Америка байроғи илинган Қувайт танкерларини кузатиши қанча давом этиши мумкин, деган саволга жавоб қайтариб, Вашингтон маъмуриятининг юқори мартабали вакили бундай деди: Америка байроғи остидаги хавф-хатарга дучор бўлаётган кемаларни ҳимоя қилиш хусусида АҚШ мажбурияти бирон бир муддат билан чегараланган эмас. Айни вақтда Карлуччи Форс кўрфазидаги операциялар тўғрисида Оқ уй конгрессни барвақт хабардор этишни лозим кўрмаётганлигига аниқ ишора қилди. Бу билан у ҳарбий ваколатлар тўғрисидаги қонунни назар-писанд қилмаяпти. Унинг сўзларига қараганда, маъмурият юристлари, «буни зарур, деб ҳисоблагандагина» Капитолий тепалигидаги қонуншуносларнинг маслаҳатлашуви ўтказилади.

(ТАСС).

ХУШХАБАРЛАР

ХОРАЗМ

Қўриқхона барпо этилди

● Хива районидаги Фрунзе номли колхозда табиатни муҳофаза қилиш — жамоат ташкилотлари ва бутун аҳолининг диққат-эътибори остига олинган.

Қорақум чўлига туташ табиий кўл кенгайтирилиб, унинг соҳили қўриқхонага айлантириляпти. Шу йил баҳорда 137 минг туп манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Кўл бўйида дам олиш зонаси бунёд этимоқда, 30 гектар майдонда боғ яратиляпти. 150 гектар ҳовузда балиқчилик хўжалиги ташкил этилди. Ҳашаротларни йўқотишнинг биологик усулига ўтилганлиги ҳавони ва атроф-муҳитни мусаффо сақлашда самарали тадбирлардан бири бўлди.

Конвейер ишга туширилди

● Янгиариқ районидаги «Коммунизм» колхозида ёрдамчи корхоналар сафига яна бир цех қўшилди, — оҳак тайёрлаш конвейери ишга туширилди.

Юмуртов карьеридан ташиб келтирилган оҳак сувда сўндирилиб, тайёр маҳсулотнинг сифати техника назоратидан ўтказилади. Цех колхознинг ва қўшни хўжаликларнинг оҳакка бўлган эҳтиёжини узлуксиз қондириш имконини беради.

Мароқли концертлар

● Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб тайёрланган мароқли концертларда жозибали қўшиқлар ва куйлар, Ватан, интернационал дўстлик, меҳнат ва муҳаббат тароналари янгради.

СССР халқ артисти Жўрабек Муродов бошчилигидаги Тожикистон ССР Давлат филармонияси ашула ва рақс ансамбли ҳамда Ўзбекистон ССР халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги республика давлат симфоник оркестри коллективининг музика маданияти ўн кунлигида берган концертлари хоразмлик томошабинлар томонидан катта қизиқиш ва эътибор билан қутиб олинди.

Ф. ЗОҲИДОВ.

Наманганлик қушсевар, зоомагазин ходими Абдужаббор Қаҳҳоровнинг номини бу ерда ҳамма ҳурмат билан тилга олишади. У 600 тадан кўпроқ турли қушни парвариш қилаётир.

Суратда: А. Қаҳҳоров ўргатилган қуши билан.

Ф. Қурбонбоев, Б. Юсупов фотоси. (ЎзТАГ).

● ●

● *Футбол*

ФУРСАТ БОЙ БЕРИЛМОҚДА

Мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинлари ҳам қизғин паллага кириб бормоқда. Хўш, пахтакорчиларнинг ўйинларида ўзгариш борми? Мухлислар стадиондан қониқиш билан қайтяптиларми?! «Ҳа» деб, дадил айтиш қийин. Нега? Чунки катта тренер Б. Абдураимов таъбири билан айтганда, «болалар очилиб кетмаяпти». Ваҳолонки, пахтакорчилар устози бундай фикрни мавсум бошида, дастлабки учрашувлардан кейин билдирган эди. Мухлислар эса, демак пахтакорчилар 6—7 ўйиндан кейин маҳоратларини тобига етказиб, ишонч билан астойдил ҳаракат қиларканлар-да, деган фикрга боришганди. Афсуски, майдонда ҳанузгача яхлит ансамбль кўзга ташланмаяпти. Ҳар бир футболчи ўз «созини» чалишни ўрнига қўяолмаяпти. Оқибатда ташаббуссизлик, бошланган ҳужумнинг самарасиз кечиши, дарвозани нишонга олишда ҳаққонлик, қийин вазият «чигалини» ечишда уқувсизлик ҳоллари юз бермоқда.

«Пахтакор» ҳал қилувчи давра бошлаганидан бери бир жойда депсинмоқда. Футболчиларимиз сафар учрашувларидан муваффақиятсиз қайтишяпти. Сирасини айтганда, Ростов-Дон армиячилари майдонида дарвозаларнинг дахлсиз қолганидан кўпчиликда озми-кўпми илинж пайдо бўлганди. Афсуски, Ворошиловградда «Пахтакор» дарвозасига киритилган ягона тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. Шу тариқа футболчиларимиз тўрт имкониятдан бир очко олиб, сафардан қайтишди.

«Пахтакор» уй командаси деб баҳоланмоқда. Боиси вакилларимиз ўз майдонларида минглаб мухлислар даврасида очко тўплашга ҳаракат қилмоқдалар. «Очко тўплаш» сўзини шунчаки айтаётганимиз йўқ. Сабаби футболчиларимиз Тошкентда ғалабани таъминлашга уринаётган бўлсалар-да, уларнинг ҳаракатидан қониқиш ҳосил бўлмаяпти. Жумладан, Оржоникидзе спартакчилари билан учрашувда дарвозага жавобсиз иккита тўп киритиш билан муваффақият қўлга киритилди. Узоқ йиллардан кейин мазкур коллектив устидан илк бор қозонилган ғалабани йириқ ҳисобли бўлишига имкон бор эди. А. Абдураимовни ҳар вақтдагидек ўйиндан ташқари ҳолатда туриши у киритган тўпни бекор қилишига олиб келди. Ёки С. Ковшов дарвозабон билан яккама-якка келишига қарамай, тўпни кимгадир ошириш ниятида тўхтатиб, вақтдан ютказди. Гўё унга қулай вазиятда ҳам дарвозани мўлжалга олмай, ҳимоячилик вазифанги уддаллайвер, деб қўйгандай. Бугуни кунда жами тўпларини 9 тага етказган М. Кабаевга нима бўлди? Мухлислар дарвозабон билан юзма-юз келишни гол деб ҳисоблашади. Марат эса спартакчилар дарвозабони А. Залеевни лол қолдириб, тўпларга хос фазилат намойиш эта олмади.

Биринчи даврада пахтакорчилар Абовян шаҳрида биринчи марта йириқ ҳисобли (4:1) мағлубият аламини тортишган эди. Ўз майдонларида «Котайк» командаси билан учрашув ўзига хос реванш бўлади, деб кутган мухлислар эса ташвишланиб ўтиришди. Чунки учрашувнинг биринчи қисми меҳмонлар фойдасига ҳал бўлган эди. Таннаффусдан кейингина бироз қовушиб ўйнашга интилган майдон эгалари умумий ҳисобни ўз фойдаларига (3:1) ҳал қилишди.

Қизиқ, ана шундай ланж ўйинлар билан «Пахтакор» «ўз олдига» қўйилган вазифани уддалайди, деб бўладими? Дастлабки давра ўйинлари-ку командамиз ана ўнгланади, мана тикланиб қолди, деган мулоҳазалар билан якунланди. Бу аҳволда командани қандай қилиб пировард натижа якунларига кўра кучли олтиликдан жой олади ва келаси йил олий лигага чиқиш режасини тузади, деб бўлади? Вақт эса ўтиб бормоқда. Бугун кучли команда билан ўйнади, деймиз, эртага эса сафар учрашувлари қийин кечади-да, дея юпанамиз...

Шунга қарамай мухлислар «Пахтакор»га катта умид боғламоқдалар. Ҳар бир футбол учрашуви кунини байрам тарзида нишонлашга интилмоқдалар. Дарвоқе, стадион кўнгил хушлаш, кайфиятни созлаш, муҳими, бўш вақтни мазмунли ўтказиш маскани. Илгари зерикарли футболдан «улкан коса» ўриндиқлари ҳувиллаб ётарди. Эндиликда аввало «Пахтакор-87»га ишқибозлик қилиш, кейин эса спорт-буюм лотерея ўйинларида омадни синашга ошиқиш важидан стадион узра ҳайқириқлар баралла янграмоқда. Бир сўз билан айтганда, мухлислари стадионга жамлашнинг ўзига хос муаммоси ҳал этилган. Афсуски, ишқибозлар ўзларига яратилаётган шарт-шароит ва мадаий-маиший хизматга эътироз билдирмоқдалар. Маълумки, қанчадан-қанча мухлислар «зангори экран»ларшисида севимли команда учун ишқибозлик қиладилар. Улар эса учрашувларни фақат бир қисмини телевидение орқали кўрсатилишидан ранжимоқдалар.

У. ЮНУСОВ, Қува район, Энгельс номли колхоз, жами 15 та имзо: «Сирасини айтганда, газетада «Мухлислар ранжишмасин» сарлавҳали мақола босилгандан кейин учрашувларни тўлиқ ҳолда телевизор орқали кўрамиз, деб ўйлаган эдик. Негадир ўзгариш бўлмади. Шунингдек, дарвозага тўп уриш ҳолатларини такроран намойиш этиш ҳам йўлга қўйилмаяпти».

А. ҲАЙДАРОВ, Тошлоқ район, Ленин номли колхоз: «Футбол учрашувини фақат бир қисмини намойиш этиш қачон барҳам топади. Бунинг устига баъзида ўйиннинг ёзиб олинган ҳолатини, кеч соатларда кўрсатилишини қандай тушуниш керак. Радио орқали учрашув ҳисоби бизга аниқ бўлгандан кейин, нима қизиғи қолади. Агар бундай қилишларнинг ўрнини сабаби бўлса, ҳаммага ошкор қилинсин-да».

А. ЯЎЛДОШЕВ, янгийўллик шофёр: «Стадионни мухлислар билан тўлиши яхши албатта. Лекин ҳар бир мухлисни бу ерга ўзининг бўш вақтини мароқли ўтказиш учун келишини унутмаслик керак. Стадион атрофида машиналар қўйиш учун майдончаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Учрашувгача ва танаффус вақтларида иссиқ чой, кофе савдоси йўлга қўйилса ёмон бўлмасди. Умуман бу ерда турли ошхоналарда тайёрланган пишириқларнинг сифатсизлиги асаббузарликка сабаб бўлмоқда».

Кўриниб турибдики, мухлислар эътирозига сабаб бўлаётган кўпгина юмушлар бор. Мухлисларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш лозим. Бу борада Тошкент шаҳар савдо ва умумий овқатланиш бошқармаларининг мутаасддилари жиддий қарорга келишлари керак. Шунингдек, кўпдан бери ишқибозларни ўйлантираётган, яъни футбол учрашувларини телевидение орқали тўлиқ намойиш этишдек ўзига хос муаммо ҳам ижобий ҳал этилиши лозим. Чунки аксарият ишқибозлар областларда ва қишлоқ жойларда истиқомат қиладилар. Уларни муросасиз баҳсларга бой футбол завқидан бебаҳра қолдирмайлик. «Пахтакор» командаси эса фурсатни бой бермай, ҳужумкорликни таъминлаш борасида бурилиш ясайди ва мухлисларнинг орзуларини рўёбга чиқариш йўлида интилади, деган фикрдамиз.

Ҳ. НОСИРОВ.

● *Янги ўқув йили арафасида*

ФОРМА ИЗЛАБ...

«Совет Ўзбекистони» рейди

Август ойи бошланди дегунча ҳар бир ота-она мактаб ёшидаги фарзандини янги ўқув йилига ҳозирлаш, чиройли қилиб кийинтириш тараддудига тушиб қолади. Ўқувчи ёшларни мактаб формаси билан таъминлаш масаласи республикамизда қандай ҳал этиляпти?

— Шаҳримизнинг уч жойида мактаб бозорлари ташкил этилган, — деди **жиз захлик мухбиримиз Б. САТТОРОВ.** — Ҳаммасида ҳам деярли бир хил муаммо: кичик размердаги формалар етишмайди. Айниқса олти ёшлиларни форма билан таъминлаш масаласи янада мураккаблашган.

— Кўпчилик магазинлар, мактаб-бозорларни айланиб чиқдим. Лекин ўғлимга мос келадиган мактаб формаси тополмадим, — дейди «Звездочка» болалар боғчаси тарбиячиси Раъно Холиқова.

Дарҳақиқат, мактаб бозорларини айланар эканмиз, худди шу фикрни бошқа ўнлаб ота-оналардан ҳам эшитдик. Шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири А. Беқбоев эса юқори синф ўқувчилари учун ҳам мактаб формаси етишмаслигини таъкидлади.

Оқибатда мактаб педагогика коллективлари ўқувчиларнинг бир хил кийинишларини таъминлай олмаяптилар. Областдаги савдо ташкилотларининг бу муҳим масалага қандай ёндашаётганликларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида республика «Узторгодежда» идорасининг область кооперативлашган базаси директори ўринбосари А. Ниёзқуловга мурожаат этдик. У эса шундай фактларни қалаштириб ташлади: шаҳар магазинлари учун жами 31 минг 700 дона қизлар кўйлаги, 1600 дан зиёд фартук, ўн мингдан ортиқ ўғил болалар кўйлаги ва 22 минг дона шим келтирилган. Костюм эса бор-йўғи 1100 дона...

— Аҳоли эҳтиёжини фақат келтирилаётган молларнинг сони билан қондириб бўлмайди, — эътироз билдирди шаҳар саноат савдосининг бўлим бошлиғи И. Музаффаров. — Базадан берилаётган формаларнинг асосий қисми 30—42 размердаги кийимлардир. Қоларверса, уларнинг кўпчилиги ўқувчилар дидига мос бўлмаган матолардан сифатсиз тикилганлиги сабабли магазин пештахталарида туриб қолмоқда. Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаган минглаб дона фартукларнинг нархини туширишга мажбур бўлдик. Бундай сифатсиз, харидоргир бўлмаган молларни ишлаб чиқариш, афсуски, ҳали ҳам давом этяпти.

Яна бир гап. Жиззах шаҳридаги устки трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тикувчилик фабрикасида мактаб ўқувчилари учун формалар, спорт кийимлари ишлаб чиқишни йўлга қўйиб бўлмайдими? Шундай қилинса, областдаги ўқувчи ёшларни бежирим мактаб кийимлари билан таъминлашга зарур шароит яратилиб, турли жарималарнинг, ўзибўларчилик ҳоллари-нинг олди олинарди.

Телефондаги бундай хабардан сўнг Тошкент шаҳрида ташкил этилган асосий мактаб бозори — эски шаҳардаги «Болалар дунёси» магазинига бордик. Савдо-сотиқ авжида, харидорларнинг ҳам, сотувчиларнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди. Қизлар учун ажратилган бўлимда ҳаво ранг кўйлакларнинг 30-дан 48-размеригача илиб қўйилган. Гулистон ҳамда Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг маҳсулоти бўлган бу моллар харидоргир эканини таъкидлашди сотувчилар. Жиззахда анча танқис бўлган кичкинтойлар формасини атайин изладик. Бежирим қилиб тикилган қишлик жигаранг кўйлаклардан кўзингиз қувнайди.

Бўлимларни айланар эканмиз, харидорларнинг «Катта размердаги фартук йўқми, кеп қолармикан?» — деган саволлари тез-тез қулоққа чалинади. Ҳақиқатан, оқ ва қора фартукларнинг 40—48 размерлари мутлақо кўринмайди.

— Ҳайрон бўлишингиз табиий, — дейди «Болалар дунёси» чакана-савдо фирмаси директорининг ўринбосари Холида Одилова. — Очиғи, фартук масаласи ўзимизни ҳам қийнаяпти. Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 28-дан 42-размергача бўлган оқ фартукнинг ўрнига фақат 40-размердагисини юборади. Бухоро тикувчилик фабрикаси эса фақат 30—36-размерли қора фартук тикади, холос. Узоққа бормайлик, Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси келишилганидек бизга 30—46-размерли фартуклар етказиб бериши керак. Бироқ улар нима учундир фақат 42—46-размерли фартук юборишади. Бундан ташқари 46—52-размердаги фартуклар мутлақо тикилмаяпти. Ваҳолонки, уларга ҳам талаб катта. Худди шу етишмовчиликлар харидорларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда?

— Ёрдам сўраб мурожаат қилгандирсизлар?

— Албатта, республика «Узторгодежда» идорасидагиларнинг бундан хабари бор.

«Болалар дунёси» магазинига кирган бўлсангиз, «Ҳаммаси қизлар учун» деб номланган қаватнинг бурчагида оёқ кийимлар харид қилинади. Ихчам туфлилар териб қўйилган, бироқ энг харидоргир ҳисобланган 20,5—22,5 размерли туфлилар кам. Бундан ташқари кўпгина оёқ кийимларининг тикилиши бир хил, уларнинг турлари эҳтиёжни қондиримайди.

Ўғил болалар учун мўлжалланган оёқ кийимлар орасида Қўқонда тайёрланганлари яхши, сифатли. Бироқ Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикаси моделларининг сифатсизлиги шундоққина кўриниб турибди. Уни қўлга олиб кўрган харидор ижирғаниб, яна жойига қўйиб қўяётганининг гувоҳи бўлдик. Ахир бундай номақбул маҳсулотлар харидорларнинг шу фабрикага бўлган ишонч, ихлосини буткул қайтариб қўйиши шубҳасиз

Ўғил болалар формаси сотиладиган бўлимда Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасида тайёрланган қишлик костюм-шимнинг сифати эътиборимизни тортди. Бинойидек форма, «тикса бўларкан-ку», деган ўй келади ҳаёлингизга. Бироқ...

— Буни қаранг, — дейди Ҳамза районидан ўғлига костюм-шим харид қилиш учун келган Муаттар Солиева, — 12 ёшли ўғлим учун қирқинчи размеридан танлаган эдим. Шимининг бўйи узун келяпти. Ҳеч ўғлимга мосини тополмаяпман.

— Харидорлардан нуқул шунақа гап эшитамиз, бири узун, бири калта бўлса айб бизда эмас-ку, — хуноб бўлиб гапга аралашди сотувчилардан бири.

Харидорнинг эътирози ўринли. Товаршуноснинг кўзи қаёқда? Балки бундай келишмовчиликни бошқа йўл билан ҳал қилиш мумкин бўлар? «Болалар дунёси»да алоҳида бичиқчи столи мавжуд. Мол сотиб олиб харидидан кўнгли тўлмаганлар бичиқчи кўмагида шу ернинг ўзидаёқ ҳожатини чиқариб, кийим-кечагини фарзандига мос қилиб кетса яхши эмасми? Бунинг учун сотувчилардан ўз ишига масъулиятлироқ бўлиш, харидорнинг кўнглига йўл топа олиш, имкони борича унга кўмаклашиш талаб этилади.

Ўғил болаларнинг ёзлик оқ ва ҳаво ранг кўйлакларининг деярли ҳамма размерлари бор. Улар орасида, айниқса, Қарши ва Наманган-дан келтирилган кўйлаклар бизга маъқул бўлди. Фақат уларнинг кўпайиши, бундан ҳам кўркам, сифатли бўлиши тарафдори эдик.

«Болалар дунёси» чакана-совда фирмасининг 2-филиали ҳам кейинги кунларда жуда гавжумлашиб қолди.

— Ўғил болаларнинг қишлик формасини Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан оляпмиз, — дейди биз билан суҳбатда филиал директори вазифасини бажарувчи Миртоҳир Ҳайдаров. — Бироқ буларга эҳтиёж катта. Кези келганда шуни айтиш керакки, бугунги кунда ҳар соҳада сифатга бош масала сифатида қараляпти. Шундай экан, магазин пештахталарига қўйиладиган моллар чиройли бўлса, юзингизга кулиб турса, харидорлар тахсинига сазовор бўлади. Ҳаммадан ҳам фарзандларимизнинг қувонишини айтмайсизми? Тикувчиларимиз маҳсулотларини ўз фарзандларига мослаб қўйиб қўйгандек қилиб тикишларини истардик. Модельерларга ҳам тилагимиз шу — болалар дидини назарда тутиб андозалар яратишса.

Шу ўринда бир нарсага эътибор беринг-а: ўтган ойлар мобайнида мактаб формаларининг сифатсизлиги туфайли Бухоро тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлаган ўғил болалар формасининг 39,1 мингдан 13,7 проценти қайтариб юборилган. Худди шундай Гулистондаги тикувчилик фабрикасида тикилган қизларнинг қишлик кўйлагининг етти мингтасидан 21,7 проценти брак маҳсулот сифатида қайтарилган. Маҳсулотларнинг сифати тўғрисидаги гапда жон бор, албатта.

Шаҳримизда ташкил этилган мактаб бозорларида ўқувчилар ўқув қуроллари, анжомларига ҳам талаб катта. Оддий ўчиргичдан тортиб, мактаб портфелигача харид қилиняпти. Бироқ, харидорларнинг эътирозларига қулоқ солсангиз, сифатли, пишиқ-пухта портфелларнинг камлигидан нолишади.

— Ҳақиқатан Советободдан юборилиши керак бўлган ўқувчилар портфели кечикиб кетяпти, — дейди қуюниб «Болалар дунёси» фирмасининг 1-филиали директори Рихси Юсупова. — У қачон келади-ю, қачон сотиб улгурамиз.

Рейд давомида сурхондарёлик мухбиримиз А. ХАЛИЛОВ билан ҳам телефон орқали боғландик.

— Мактаб ёшидаги болаларни ўқувчилар формаси билан таъминлаш аҳволи, жумладан, Жарқўрғон районида яхши йўлга қўйилмаган, — дейди мухбиримиз. — Савдо ташкилотларига юборилган кетма-кет хатларга қарамай, магазин пештахталарида ўқувчилар формаси йўқ ҳисоби. Хусусан ўғил болалар учун бу йил биронта ҳам мактаб формаси келтирилмаган.

«Маҳаллий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида ўйламасдан фақат бошқа томондан келишига қараб ўтираверош — бу тайёрга ғайрликдан бўлак бошқа ҳеч нарса эмас», деб таъкидланди КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленумида. Аҳолини халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш турларини яхшилаш борасидаги камчиликлар, айрим нуқсонларни бартараф этиш учун ўз кучимизга, ақл-идрокимизга ишониб ҳаракат қилишимиз лозим. Буни бизга партия уқтиряпти. Зеро, бу ишларимиз келажак авлод учун, энг ардоқли фарзандларимиз учун эканлигини унутмайлик.

У. ФАЙЗИЕВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Л. КОРЮХИНА, Р. МУҲИДДИНОВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитети штатсиз инспекторлари.

А. БАЗАН,
Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг «Узглавснабторгпрос» бошқармаси инженери.

С. ТАЛАЛАЕВА,
Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги товаршуноси.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»га қарашли ИЛЬИЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ 1987-1988 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ 30 АВГУСТГАЧА ДАВОМ ЭТТИРАДИ

АГРОНОМИЯ — совхоз, колхоз, агросаноат бирлашмаларида, хўжаликлараро ва бошқа хўжалик ташкилотларида мутахассис ва раҳбар лавозимларида ишлаш учун агрономлар тайёрлайди;

ЗООТЕХНИЯ — колхоз, совхоз, хўжаликлараро ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотларининг чорвачилик комплексларида бошлиқ ва мутахассис вазифаларида ишлаш учун зоотехниклар тайёрлайди;

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ — сув хўжалиги қурилиши объектларида, мелиорация системаларидан фойдаланишда, колхоз ва совхозларни сув билан таъминлашда, сув хўжалиги лойиҳа-қидирув ташкилотларида ўрта махсус маълумотга мос келадиган вазифаларда ишлаш учун техник-гидротехниклар тайёрлайди.

Агрономия, зоотехния, гидромелиорация мутахассислигларига қабул имтиҳонисиз суҳбат йўли билан ўтказилади.

Қабул қилинганлар умумий асосда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум адреси: Жиззах области, Пахтакор районы, Акмал Икромов номли 26-совхоз маркази.

●

СССР Агросаноат давлат комитети ЎРТА ОСИЁ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА КОНСТРУКТОРЛИК ИНСТИТУТИ вакант вазифага КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

Конкурсда фан доктори ёки фан кандидати илмий даражасига эга бўлганлар, шунингдек озиқ-овқат саноати соҳасида катта иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Конкурс муддати — 22 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилади: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 9-уй. Телефонлар: 41-04-83, 41-09-61.

●

ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: сув ресурсларини муҳофаза этиш бўлими, илмий техника прогнозлари лабораторияси.

Конкурс муддати — 22 августгача.

Адрес: 700187, Тошкент шаҳри, 4-Қорасув массиви, 11-уй.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппараты-нинг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитетининг масъул ходими С. А. Асриянца онаси

Сатиник Григорьевна АСРИЯНЦнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг «Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологик бўлими мудирининг ўринбосари Т. И. Илҳомовга онаси

Умри Абдушукуровна ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

● *Тингланг, томоша қилинг*

19 август, чоршанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — «90 минут». 9.35 — «Буйруқ: чегарадан ўтилсин». Бадиий фильм. 11.05 — Вальс оламида. 11.35 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.40 — Қайта қуриш прожектори. 16.50 — Қайта қуриш: тажриба ва муаммолар. 17.30 — Тарих саҳифалари. 18.15 — Салом, музика. 19.00 — Дастлаб ўзингдан талаб. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Чашмалар. 20.20 — Қайта қуриш прожектори. 20.30 — «Ян Крижевский». Спектакль. 21.30 — Время. 22.00 — Резонанс. 23.30 — Концерт. 23.55 — Дунё воқеалари. 00.10 — Концерт.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 10.00 — Экологик кундалик. 10.30 — Концерт. 11.05 — «Валентина». Бадиий фильм. 12.40 — Немис тили. 13.10 — Мультфильм. 13.30 — Болалар учун фильм. 14.35 — Автоспорт. Жаҳон чемпионати. 15.05 ва 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳамдўстлик. 19.15 — Ритмик гимнастика. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Сув остида мўлжал олиш. Жаҳон чемпионати. 20.30 — Хайр ли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Сув спорти. Европа чемпионати. 21.30 — Время. 22.10 — «Асли болаликдан». Бадиий фильм. 23.35 — Янгиликлар. 23.40 — «15 академик».

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.20 — Салом, кичкинтойлар! 7.30 — Ахборот. 7.50 — Тонгги тароналар. 8.00 Пионер телетайпи. 8.10 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 8.30 — Болалар учун фильм. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Войчечак. 19.00 — Мустаҳкам озуқа базаси учун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қайта қуриш уфқлари. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.00 — «Фавқулодда комиссар». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.25 — Ритмик гимнастика. 19.50 — Озиқ-овқат программаси — умумхалқ иши. 20.25 — «Олмос камар». Видеофильм. 3-қисм. 21.30 — Время. **Фрунзе.** 22.00 — «Ой камалаги». Бадиий фильм.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Сиз бизга мактуб йўлдабсиз. 9.30 Мактаб, оила, тарбия. 10.15 — Кичкинтойлар учун концерт. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Хатларингизни ўқиб... 14.90 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.40 — Болалар учун ҳикоя. 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 18.30 — Республикада хизмат кўрсатган артист Маҳлоҳат Дадабоева куйлайди. 19.20 — Аланга. 19.40 — Хўжалик юритишга ўрган. 20.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.30 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р. — 08971. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. В. — 190. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12